

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ҚИЗ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ.

Аминова Манзура Муталибовна
ҚДПИ-ф.ф.н.

Аннотация. Мақолада миллий қадриятларимизнинг асосларидан бўлган аёлларга бўлган муносабат, аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳақида фикр юритилади. Мақолада миллий менталитетимизда аёл оила тинчлиги фарзанд тарбиясидаги бош бўғин сифатида тарифланган. Шунингдек янги Ўзбекистонда аёлларни кадрлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва алоҳида қизлар тарбиясига эътибор масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: фарзанд тарбиси, тарбиядаги нуқсонлар, солиҳа аёл, лидерлик фазилатлари, оналарни муҳофаза қилиш, она намунаси.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври миллий анъана ва қадриятларнинг тикланиш даври бўлди. Миллий маданиятимизда муҳим ўрин эгаллаган, жамиятимизнинг мустаҳкамлиги фарзандлар камолини таъминловчи қадриятлардан бири оиладаги миллий қадриятлардир. Миллий қадриятларимизга кўра оила жамиятнинг энг муҳим ва энг қадимий бўлаги. Чунки оила ва ундаги фарзанд тарбиясидаги ютуқлар жамиятнинг ютуғига, фарзанд тарбиясидаги ноқисликлар эса пировард оқибатда жамиятдаги камчиликларга олиб келади. Оиладаги миллий қадриятларимизнинг асосий тамойилларидан бири оилада аёлларга бўлган муносабатларда кўринади.

Кишилиқ жамиятининг бир қисмини аёллар ташкил этар экан, ҳаётда турмуш юмушларининг кўп қисми улар зиммасидадир. Аёл – биринчи навбатда онамиз, қолаверса жуфту ҳалолимиз, опа-синглимиз, қизимиздир. Агар аёл ҳаётда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлса демак, жамият соғлом бўлади. Чунки, келажакнинг меваси бўлмиш фарзандлар оналар сабабли дунёга келадилар. Уларга бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни кекса онахон-момохонларимиз ўргатадилар. Шундай экан, келажак авлоднинг солиҳ бўлиши бугунги кун аёлларининг солиҳа бўлишларига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Аёл киши аввало, Она сифатида қадрланади. Куръони каримнинг бир нечта оятларида онани эъзозлашга, унинг ҳаққини адо этишга буюрилган бўлиб, Пайғамбаримиз (сав) ҳам ҳадисларининг бирида: "Жаннат – оналар оёғи остидадир" – деб марҳамат қилганлар (Имом Хатиб ривояти).

Ислом таълимотида оилали аёлнинг зиммасига қатор вазифалар юклатилиши баробарида, оилада у ўз ҳақ-ҳуқуқига ҳам эга эканлиги айтилган.

Ривоят қилинишича, саҳобалар Расулуллоҳ (сав)дан: Зиммамизда хотинларимизнинг қандай ҳақлари бор? – деб сўрашганда, У зот (сав): "Еганингизда

Globalashuv jarayonida yoshlar mustaqil dunyoqarashini shakllantirishda ta'lim tizimi va oiladagi muammolar hamda ularning yechimlari

уни ҳам едирмоғингиз, кийганингизда кийдирмоғингиз, юзига урмаслик, қабих сўзлар билан ҳақорат қилмаслик, аразлашганда уйдан чиқмаган ҳолда ўринни бошқа қилиб ётмоқлик" – дедилар (Абу Довуд ривояти).

Пайғамбаримиз (сав)нинг "Аёллар эркакларнинг ажралмас бир қисмидирлар" – деган ҳадисларига биноан аёл киши жамиятнинг ажралмас бир бўлаги экан, у ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлиб, илм олишга, касб-ҳунар қилишга ҳақлидир.

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний «Минерология» номли асарида аёлларнинг рўзғор қураётган қизлар тарбиясидаги шахсий намуна бўлиши ҳақида қимматли фикрларни билдирган. Кимки, бадахлоқ болалар-ни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон сохиби бўлган ота-оналардан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбиялари соясида ўсган фарзанд ҳам бад-ахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин хушахлоқ бўлишлари энг яхши фазилатдир, - деб бола тарбиясида ота-оналарнинг намуна бўлиши ҳақида қимматли фикрни илгари сурган.

Амир Темури даврида ҳам оилада қиз бола тарбиясига эътиборлироқ бўлишга тўғри келган. Ўша даврда ҳам оилада қизлар тарбияси учун энг кераклиги пазандалик, саранжом-сарипталик, бичиш-тикишни билишлик, меҳмон кузатиш ва муомала қилиш каби сифатларини билишдан иборат бўлган. Қизларнинг бу борада тарбиясида онанинг ибрати, намунаси ва ўрни муҳим саналган.

Ўтмишда оналар ўз қизларини келажакда ҳар томонлама етук, ўта қобилиятли қилиб, барчага ибратли бўладиган лидерлик фазилатларига эга, ифбат ва ҳаё соҳибаси бўлишга ўргатганлар.

Ўзбекистон республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев ўзларининг маъруза ва нутқларида бир неча бор аёлларнинг жамиятдаги ўрнига юқори баҳо берганлар. "Яратганининг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз, қадрли оналаримиз, меҳрибон рафиқаларимиз, мунис опа-сингилларимиз, севимли қизларимиз ва набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамиша чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар Сизларнинг оналик меҳрингиз ва саховатингиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатингиз учун биз сизлардан умрбод қарздормиз

Шу сабабли оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз."

Globalashuv jarayonida yoshlar mustaqil dunyoqarashini shakllantirishda ta'lim tizimi va oiladagi muammolar hamda ularning yechimlari

Бу талабаларга мос тарбия қизларда оиладан ва ундан сўнг таълимда бошланади. Юқорида айтилганидек келгуси оила бекаси бўладиган қизлар ўзларига берилаётган ҳақ-ҳуқуқ ва кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўзбекона ҳаёси ва ибосини, нафислиги ва меҳрибонлигини сақлаб қолиши лозим. Айни вақтда қизлар фақат уй бекаси сифатида эмас, балки касб-хунарли, тадбиркор, илғор, қизиқувчан, орзу-ҳавасли, касбий-илмий жиҳатдан интилувчан бўлишлари лозим. Кўпгина оилаларнинг камчилиги ўз қизларни фақат уй бекси сифати оилага тайёрлаётганларидир. Бундай тарбия кўрган қизлар охир оқибатда дунёқарашлари тор бўлиб, на эрларининг муаммоларини тушунишга қодир, на фарзандларига замонавий таълим олишда кўмаклашиш қўлдан келмайдиган аёлга айланадилар. Кўп ҳолатдаги оилавий ажримларда ҳам аёлнинг ношудлиги сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида бир неча бор “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.”-деб таъкидлаб ўтганлар.

Бизнинг фикримизча. Ҳозирги кунда таълимга қўйилаётган талабалар ва Республикамиз Президенти томонидан берилган имкониятлар таълим тизимида қизлар тарбиясига алоҳида эътибор беришни тоқазо этади. Талабалик йилларида қизларнинг ҳаёти ва фаолиятида ўз-ўзини тарбиялаш, англаш уларнинг психик жараёнлари ҳамда шахсий сифатларининг такомиллашувида муҳим роль ўйнайди. Бунда ўз-ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари бўлган - ўз-ўзини таҳлил қилиш, назорат этиш, баҳолаш ва текширишлар алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча таълим даргоҳида қизларнинг қуйидаги сифатларини шаклланишига эътибор бериш зарур:

- Илм ва билим олишга қизиқтириш;
- Китоб ўқиш ва бадиий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш;
- Ўз эгаллаётган касбга нисбатан ҳурмат ва ўзига ишонч туйғусини мустаҳкамлаш;
- Ўзининг соғлиги ва саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш;
- Ҳаёт синовлари олдида ўзини тутиш, муаммоларни мустақил ҳал қила олиш, мустаҳкам дунёқарашни шакллантириш;

Globalashuv jarayonida yoshlar mustaqil dunyoqarashini shakllantirishda ta'lim tizimi va oiladagi muammolar hamda ularning yechimlari

- Qizlarda liderlik sifatlarini va kўnikmalarini shakllantirish;
- Ijtimoiy faol fuqarolik kўnikmalarini rivojlantirish.

Mazkur xususiyatlarни ўquvchi qizlarda shakllantirish orqali biz jamiatimizni ilgor fikrlovchi, ijtimoiy faol va tashabbuskor хотин-qizlar bilan бойитишимиз mumkin.

